

Анимацион фильмларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни

Мустақиллик туфайли мамлакатимизнинг нафақат ижтимоий-маданий ҳаётида, балки санъатда ҳам, хусусан кино санъатининг ўзига хос шакли бўлмиш анимацион фильмлар тараққиётида ҳам ўзига хос туб бурилишлар ясалди. Зеро, маънавий баркамол авлодни тарбиялашда анимацион фильмларнинг ўрни беқиёс.

Анимацион фильмлар бола рухияти, қалби, тафаккурига бениҳоя кучли таъсир кўрсатиб, уларнинг маънавий оламини бойитади ва тарбиялайди. Айни шу хусусиятлардан унумли фойдаланган ҳолда, ёш авлодга бағишланган ҳар қандай фильмни юксак маҳорат билан яратиш, ёшларда инсоний фазилатлар, маънавий камолот, дунёқараш ўқтамлигини шакллантириш Республикамиз кино усталари олдида турган энг муҳим вазифалардандир.

Ўтган йилларида ўзбек анимациясида «миллий қаҳрамон» қиёфасини яратишга катта эътибор қаратилган бўлса-да, масала ҳали тўла ечим топа олгани йўқ. Ёш авлодга миллий қадрият ва анъаналаримизни умуминсонийлик тамойиллари асосида ўз дунёқараши, хатти-ҳаракатлари орқали сингдира оладиган мукамал, замонавий «мультиқаҳрамон» топилмади. Тимсоҳ Гена, Чебурашка, Бўри билан Қуён, Виннипук, Том ва Жеррига ўхшаш ёш томошабиннинг хотирасида сақланиб қоладиган қаҳрамонлар йўқ ҳисоби. Тўғри, Хўжа Насриддин ҳақида иккита мультфильм яратилди. Аммо, шу қаҳрамон иштирокида яна бир қатор кўп қисмли мультсериаллар ишланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки бугун ҳамманинг кўзида, оғзида юрадиган миллий қаҳрамонларга эҳтиёж бор. Афсуски, бизда ҳали мультсериал жанрига ўтиш йўллари топилмади.

Мультфильм энг аввало ғоя ва сценарийдан бошланади сўнг рассомлар томонидан тасвирий кадрлар кетма-кетлигида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам сценарий муаллифи ўз сценарийсини аниқ тасвирий динамикада кўра билиши зарур. Бу эса ўз навбатида мультфильм яратиш учун профессионал драматургларни етиштириш масаласи ниҳоятда долзарб эканини кўрсатмоқда.

Мультфильм драматургияси ўзига хос алоҳида бир жанр. Мультсценарий ёзиш учун албатта шу соҳа мутахассиси бўлиш шарт. Мутахассис бўлганда ҳам мультфильмни севадиган, уни тушуна оладиган, замонавий мультпликация шарт-шароитлари, технологиялар ва

тенденцияларни яхши биладиган мутахассис керак. Афсуски, кўпгина драматургларимиз мультфильмнинг бу хусусиятларини тушунишмайди. Болаларнинг бугунги кундаги маънавий эҳтиёжи, талаб-истаклари, ўй-хаёллари, қизиқишларига қараб замонавий анимацион фильмлар сценарийлари яратилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Зеро, анимацион фильмларнинг асосий томошабини бўлган бугунги ёшлар аввалгиларидан тамомила бошқача. Улар эски услубдаги мультфильмларни кўришга қизиқмайди. Чунки бу фильмларнинг динамикаси, мусикаси, либослари, сўзлашув услуби тамомила бошқача. Бугунги ёшлар замонавий технологиялар ривожланган, компьютер, интернет асрида яшамокда. Улар учун махсус оригинал персонажлар, ноанъанавий кўринишга эга бўлган, замонавий тилда сўзлашувчи ва шу билан бирга миллий хусусиятларни ҳам ўзида жамлаган қаҳрамонларни яратиш замон талаби. Бола экранда ўзини, ён атрофдагиларининг қиёфаси, турмуш тарзини кўрсин, танисин.

Ўзбек халқ эртаклари асосида ҳам анимацион фильмлар яратиш керак, аммо, бу фильмларнинг экранда томошабин учун қизиқарли бўлишини таъминлаш зарур. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, бугун болаларимиз экранга «ёпишиб» қолган. Улар китоб ўқимайди. Асосий эътибори телевизор ва интернет-кафеларда. Демак, уларга эртаклардаги қилич-қалқонли Рустам паҳлавонлар эмас, балки замонавий курол-яроғи бор, куч ва имкониятлари мислсиз даражада кенгайтирилган, ташқи қиёфаси ўта замонавий, интеллектуал Рустам ботирлар керак. Бир сўз билан айтганда, бугун болаларга қадимий эртакларни замонавий услубда танитиш эҳтиёжи бор.

Мультпликация – синтетик санъат тури. Шу сабабли мультфильм драматург, режиссёр ва рассомнинг ниҳоятда жиддий ижодий муносабати ва ҳамкорлигини талаб этади. Шунингдек, у инсон тарбияси, тўғрироғи бола тарбияси билан ҳам боғлиқ. Болалар фантазияси, бадий диди, эстетикаси, савиясини тўғри шакиллантиришда ўта муҳим аҳамият касб этади.

Бугун бизга аввалгидан ҳам сифатли, қизиқарли, ранг-баранг, драматургияси пишиқ анимацион фильмлар керак. Чунки авваллари мультфильмлар 500-600, нари борса 1000 кишилик аудиторияси бор кинотеатрларда намойиш этилган бўлса, хозир техника, ТВнинг ривожини натижасида уни миллионлаб томошабин кўради. Бу эса ижодкорлар зиммасига янада жиддий масъулият юклайди.

Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган анимацион фильмларнинг йиллик ҳисобот намойишлари бу борада муҳим аҳамият касб этмокда. Таъкидлаш лозимки, ушбу намойишлар ўзининг ижодий потенциали, мавзу ва жанрлар ранг-баранглиги, ғоя ва тасвир уйғунлиги ёрқин тасвирий

ифодалар, бадиий рамз ва шаклий оригиналлик билан алоҳида ажралиб туради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бугун ўзбек мультипликациясида кадрлар масаласи энг муҳим ва долзарб муаммолардан бири. Санъат институтида соҳа мутахассислари ўқитилгани билан фидоийлар кам. Мультипликацион конструкцияни чуқур тушунган ижодкорлар ниҳоятда оз. Тўғри, бугун замонавий мультфильмларнинг деярли барчаси компьютер графикаси асосида ишланади. Бу албатта, соҳа ривожини учун анча қулайликлар туғдирган. Аммо, барибир мультфильм қўл меҳнати билан яратилади, компьютерда эса фақат бўяш ва бошқа бир қатор техник жиҳатларгина амалга оширилади. Компьютердаги қаҳрамонлар ўзича примитив ҳатти-ҳаракатлар бажариши мумкин. Аммо, режиссёр ва рассом унга вазифа бермаса ушбу ҳаракат маъносиз, ўлик ҳаракат, қуруқ механизм бўлиб қолаверади.

Анимацион фильмлар ғоя, фикр ва жанр оригиналлиги жиҳатдан кино санъатининг бошқа турлардан қолишмаслиги керак. Мультфильмларнинг мавзу диапозонини кенгайтириш зарур. Шундай мультфильмлар ҳам борки, улар жиддий, томошабинни ўйлантириб, фикр юритишга ундайди, умуман инсоният қалбида умуминсоний туйғуларни тарбиялаш билан, нозик хислар орқали миллий ва умуминсоний қадриятларни ўргатиш каби олий мақсадларни илгари суради.

Анимацион фильмлар ривожига қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

1. Болалар учун мўлжалланган мультфильмларнинг замонавий драматургияси устида ишлаш. Уларнинг маънавий эҳтиёжи, талаб-истаклари, ўй-ҳаёллари, қизиқишларига қараб анимацион фильмлар сценарийларини яратиш.

2. Анимацион фильмлар учун одамлар хотирасида сақланиб қоладиган, ёш авлодга миллий қадрият ва анъаналаримизни умуминсонийлик тамойиллари асосида, ўз дунёқараши ва ҳатти-ҳаракатлари орқали сингдира оладиган мукамал, замонавий «мультқаҳрамон»ларни яратиш. Ранг-баранг мавзу ва жанрдаги мультсериалларни ишлаш. Болаларга қадимий эртакларни замонавий услубда танитиш

3. Суратга олинаётган мультфильмларнинг бадиияти, томошавийлиги ва сифатини янада ошириш мақсадида соҳа мутахассислари ҳамда кино танқидчилар иштирокида мунтазам равишда мультпремьералар ўтказиш.

4. Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган анимацион фильмлар намоёишида иштирок этувчи мультфильмларни ижодий потенциал, мавзу ва жанрлар ранг-баранглиги, ғоя ва тасвир уйғунлиги нуқтаи назаридан

саралаш. Намойишда муваффақиятли иштирок этиб, алоҳида эътироф этилган анимацион фильмларнинг ижодкорларига янги, замонавий ва долзарб мавзулардаги мультфильмлар яратишлари учун махсус буюртмалар бериш бугунги ўзбек мультипликациясининг энг долзарб ва муҳим масалаларидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. M.Mirzamuhamedova. «O‘zbek kinosi» T., 1990.
2. Ginzburg S.S. Risovanniy i kukolniiy film. M., 1957.
3. Sterhenson R. Animation in the Cinema. L., N.Y., 1967.